

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 27 август • пайшанба • № 87-88 (4373)

«Сен – кудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

«МЕХР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ҚАРОРИ**

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ҚАРОРИ**

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Уйғоқ нигоҳ

ПАНДЕМИЯ бизга нимани ўргатди?

Дезинфекцияни сув билан қилса ҳам бўлавершини!
 Сассиқ хлордан бойишни, пуллашни!
 Тоғда ўсган исирикдан бойишни!
 Боғда ўсиб ётган текин ўт-ўлани катта пулга пуллашни, боғдан ўғирлаб кетишни!
 Кам таъминланганларга ажратилган моддий ёрдам пулини кўзни чирт юмиб ўзлаштиришни, ўша пуллари фарзандларга уялмай едиришни!
 Бир марталик ишлатилган ниқоб ва махсус кийимларни ювишиб-ювишиб ишлатишни!
 Кислород балонини ўзимиз ясашни!
 Жарроҳлик нотўғри қилиниб вафот этган беморни қариндошлари шифокорни судга бермоқчи бўлганида, «ковид деб ёзиб бераман, ўлигиниям ололмайсан», деб кўрқитишни!
 Тиббиёт ходимларига

Берилиши керак бўлган ниқобларни, махсус кийимларни сотиб юборишни!
 Ўз ўзимизни даволашни!
 Саримсоқ, лимон, малина каби ўзимизда етиштириладиган маҳсулотларни 10 баравар қимматига сотиб бойишни ва бу ишимиздан фахр туйишни!
 Йўлқирани 2-3 баравар қиммат қилиб машинада одам ташишни ва ўша қиммат нархга индамай рози бўлишни!
 30 кишилик тўйни уч кун давом эттиришни!
 Ички ишлар ходимлари ўз ишига ўта масъулият билан ёндошишни — тоғда якка ўзи кўй боқиб юрган чўпонга ҳам ҳатто маскани йўқлиги учун жарима тўлатишни!
 Музқаймоқ ёки муздай «кола» ичиб, уч кун ичида пневмония бўлиб қолишни!
 Тўппончага ўхшаш баъзи термометр ишламаётган бўлса-да, пешанани ихлос билан тутишни!
 Барно СУЛТОНОВА

КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори **Торкунов Анатолий Васильевич** Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **Абдулла Арипов** 26 август кўни Қирғизистон Республикаси Бош вазири ўринбосари **Акрам Мадумаровни** қабул қилди.



Олий Мажлис Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** мамлакатимизда дипломатик фаолиятини яқунлаётган Исроил давлатининг Фавқулодда ва мухтор элчиси **Эдуард Шапирани** қабул қилди.

Ўзбекистоннинг Боку шаҳридаги элчихонаси ва Озарбайжоннинг Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Made in Uzbekistan. Textile» онлайн бизнес форуми ўз ишини бошлади.



Германиянинг Роберт Кох институти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси, Дюссельдорф ва Франкфурт-Майн университетлари клиникалари экспертларидан иборат бир гуруҳ Германиялик мутахассислар коронавирусга қарши курашишга кўмаклашиш мақсадида Бухоро вилоятига келди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди



Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси

Шу кунларда ишчи-ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантирган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Курултойига қизгин тайёргарлик кетяпти.

Айтиш жоизки, тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциялари уюшқоқлик билан онлайн тарзда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотларга фаол ва изланувчан етакчилар сайланди.

Айни пайтда эса қизгин руҳда ўтаётган Республика кенгашлири курултойларида касба уюшма ташкилотлари-

нинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилаётган анжуманларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устувор бўлгани алоҳида таъкидланяпти.



Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

«Ishonch» меҳмони!

Зиёли қатламнинг севимли нашрларидан бири бўлмиш «Маънавий ҳаёт» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Унда маънавий-маърифий, тарихий, фалсафий мавзуларда бир қатор таҳлилий мақолалар эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси

Хушхабар

27 ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ МЎЙНОҚ АЭРОПОРТИДА УЧОҚЛАР

Мўйноқ шаҳридаги умумий қиймати 300 миллиард сўм бўлган янгидан барпо қилинаётган аэропортга илк бор «Аэробус А-320» самолёти келиб қўнди. «Тошкент-Мўйноқ» йўналиши бўйича йўловчиларни олиб келган самолёт рейси қўниши синов тариқасида амалга оширилди.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

ОРОЛБЎЙИДАГИ МАЁҚ МИНОРАЛАР

Улар нимадан белги берган?

АССАЛОМ, ТИББИЙ МАДАНИЯТ!

